

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ЖДПИ катта ўқитувчиси,  
Суванкулов Жамшид Абдулаҳадович

*Аннотация:* Ушбу мақолада ногиронлиги бўлган шахсларнинг, хусусан аёлларнинг ҳуқуқлари ва мафаатларининг ҳуқуқий асослари, давлат томонидан берилган кафолатлар акс этган.

*Калит сўзлар:* ногирон, ногиронликни белгилаш, ногиронлиги бўлган шахс, ногиронлиги бўлган аёл, ногиронлиги бўлган шахс ҳуқуқлари, ногиронлиги бўлган аёллар ҳуқуқлари тизими

Маълумки, мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “ногиронлиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизими жорий этилиши, ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос “ижтимоий модели”га босқичма-босқич ўтилиши, муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича янги тизим жорий этилиши” зарурлиги ҳақида муҳим вазифалар таъкидланган эди<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда аёлларни, шу жумладан ногиронлиги бор аёлларни ижтимоий муҳофаза қилишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда ва бунинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Ўрганиш жараёнида ногиронлиги бўлган аёлларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари тизими ўрганилди ва мавжуд қонунчиликда белгиланган нормалар таҳлил қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунчилик базаси – [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz) расмий тармоғидан олинган маълумотга кўра, 100 128 та ҳужжат мавжуд бўлиб, шундан, қонунлар 2831 та, Президент қарорлари 5775 та, Президент Фармонлари 4211 та, Президент фармойишлари 226 та, Ҳукумат қарорлари 16852 та, Ҳукумат фармойишлари 330 та, Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳужжатлари 11 395 та, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари 8448 та, Суд ҳужжатлари 632 та, Халқаро ҳужжатлар 4368 та, Олий Мажлис палаталари кенгашларининг (Олий Мажлис Кенгашининг, Олий Кенгаш Раёсатининг) ҳужжатлари 4021 та ва бошқа ҳужжатлар мавжуд<sup>2</sup>.

Ушбу нормалар ичида ногиронлиги бўлган аёлларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари ҳам мавжуд.

Мазкур нормаларни қуйидагича тизимлаштириш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг парламенти – Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар;

---

<sup>1</sup> [www.President.uz](http://www.President.uz)

<sup>2</sup> [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz) тармоғидан олинган маълумот, 2021 йил

2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан қабул қилинган ҳужжатлар;

3. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати – Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатлар;

4. Вазирликлар, идоралар ва давлат қўмиталари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар;

5. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар;

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис томонидан ногиронлиги бўлган аёлларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларига 2019 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ги ЎРҚ-562-сон Қонуни, 2019 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ги ЎРҚ-561-сон Қонуни, 2016 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида” ги ЎРҚ-415-сон Қонуни, 2020 йил 15 октябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида” ги ЎРҚ-641-сон Қонуни кабилар киради.

2020 йил 15 октябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида” ги ЎРҚ-641-сон Қонунининг мақсади ҳам ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат<sup>3</sup>.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг кадр-қимматини, уларнинг мустақиллигини, танлаш эркинлигини ҳурмат қилиш;

ногиронлик белгисига кўра камситилишга йўл қўймаслик;

инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар тенглиги;

ногиронлиги бўлган болаларнинг ривожланаётган қобилиятини ва ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

объектлар ва хизматларнинг қулайлиги;

ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ва давлатнинг ҳаётига жалб этиш.

Албатта бу тамойиллар ногиронлиги бўлган шахсларнинг, хусусан ногиронлиги бўлган аёлларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини амалда таъминлашнинг принциплари сифатида қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган.

2019 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ги ЎРҚ-561-сон Қонуни ҳам хотин – қизларни, шу жаумладан ногирон аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга<sup>4</sup>.

---

<sup>3</sup> [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)

<sup>4</sup> [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)

Мазкур Қонуннинг 5-моддасига кўра, Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги гендер сиёсатини, давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш учун самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлигини таъминлаш.

2019 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ги ЎРҚ-562-сон Қонуни билан хотин-қизлар, шу жумладан ногирон аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган.

Мазкур Қонуннинг 4-моддасига кўра, Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

демократизм;

хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги;

очиқлик ва шаффофлик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ногирон аёлларни ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган Фармон, қарор ва фармойишлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ногиронларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳужжатлари жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-2705-сон қарори, 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5270-сон Фармони, 2017 йил 1 августдаги “Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ф-5006-сонли фармойиши, 2019 йил 23 августдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4423-сон қарори, 2021

йил 9 августдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5217-сон қарори каби 10 га яқин ҳужжатларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги “Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 195-сон қарорининг 23-бандида тиббий кўрикдан ўтказилувчини ногирон деб эътироф этиш учун асос сифатида соғлиқнинг организм функцияларининг барқарор бузилган ҳолда ёмонлашиши, ҳаёт фаолиятининг чекланганлиги (шахс томонидан ўзига-ўзига хизмат кўрсатиш, мустақил ҳаракатланиш, мўлжал олиш, муомала қилиш, ўз хулқ-атворини назорат қилиш, ўқиш ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланиш лаёқати ёки имкониятининг тўлиқ ёки қисман йўқолиши) кўрсатилган.

Шунингдек, Фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра, қуйидагилар ногиронликнинг сабаблари ҳисобланади:

умумий касаллик;

меҳнатда майиб бўлганлик;

касб касаллиги;

болалиқдан ногиронлик;

Чернобиль АЭСдаги ҳалокат туфайли майибланганлик ёки касалланганлик;

фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик;

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида орттирилган касаллик;

ҳарбий хизматни ўташ даврида орттирилган касаллик;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги хизмат билан боғлиқ бўлмаган касаллик;

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш чоғида орттирилган майиблик (яраланиш, шикастланиш, контузия);

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги хизмат билан боғлиқ бўлмаган майиблик (яраланиш, шикастланиш, контузия);

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида орттирилган майиблик (яраланиш, шикастланиш, контузия);

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган бахтсиз ҳодиса оқибатида орттирилган майиблик (яраланиш, шикастланиш, контузия);

фуқаролик бурчини бажариш билан боғлиқ ҳолда орттирилган контузия, майиблик<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг, жумладан, ногиронлиги бор аёлларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш бўйича қабул қилган 10 дан ортик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бу борадаги муҳим босқич ҳисобланади <sup>6</sup>.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 27-сон, 283-модда; 2014 й., 52-сон, 622-модда; 2015 й., 48-сон, 605-модда; 2016 й., 24-сон, 281-модда; 2017 й., 15-сон, 249-модда, 37-сон, 997-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.06.2018 й., 09/18/396/1287-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 07/21/5199/0721-сон

<sup>6</sup> Қаранг: [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 17 майдаги “Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказини ташкил этиш тўғрисида” 89-сон қарори, 2010 йил 23 декабрдаги “Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 307-сон қарори, 2011 йил 1 июлдаги “Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 195-сон қарори, 2018 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 190 - сон қарори, 2018 йил 15 мартдаги “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 203-сон қарори, 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 264-сон қарори, 2018 йил 12 апрелдаги “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 285-сон қарори, 2018 йил 2 июндаги “Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 417-сон қарори, 2018 йил 18 сентябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги 739-сонли қарори, 2020 йил 4 январдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3-сон қарори кабилар ногиронлиги бўлган шахслар, хусусан, аёлларнинг ҳуқуқларини ижросини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Шунингдек, вазирликлар ва идоралар томонидан ҳам ногиронлиги бўлган фуқароларнинг, хусусан аёлларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга ва уларга қўмаклашишга қаратилган 10 га яқин нормативлар қабул қилинган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 24 февралдаги “Болалиқдан ногиронларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган оив инфекциясига чалинган шахсларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 27-сон буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 2009 йил 13 августдаги “16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида тиббий хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 14 ва 51-ҚҚ-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2012 йил 15 мартдаги “Ногиронлар ва кексаларни бепул санатория-курорт йўлланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 15-29-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 28 январдаги “Уйда ижтимоий ёрдам хизмати ходимлари ҳамда ногирон болаларни уйда ўқитганлик учун умумтаълим

мактабларининг ўқитувчиларига йўл ҳақи компенсацияси тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 5-сп-3-10-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 25 январдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 4-Б-сон буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 17 июлдаги “Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 40-40-253-сон қарори кабилар шулар жумласидандир.

Юқорида келтирилган норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ногиронлиги бўлган шахсларга, хусусан, аёлларга давлат ва жамиятда ўз ўринларини топишига, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлашга хизмат қилмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.suvonqulov, jamshid. (2020). Legal issues of participation of citizens’ self-government bodies in environmental monitoring in Uzbekistan. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(49)*. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5167](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5167)
- 2.suvonqulov, jamshid. (2020). Ёшларнинг таълим олишга оид ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари. *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(48)*. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5209](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5209)
- 3.suvonqulov, jamshid. (2020). Ер ости бойликларини муҳофаза қилишнинг айрим ҳуқуқий масалалари . *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(49)*. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5164](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5164)
- 4.suvonqulov, jamshid. (2020). Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш талабларининг бажарилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ораглари иштирокининг ҳуқуқий муаммолари . *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(49)*. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5165](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5165)
- 5.suvonqulov, jamshid. (2020). Сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш оранларининг ҳуқуқий асослари . *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(49)*. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5172](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5172)
- 6.suvonqulov, jamshid. (2020). Инсоннинг табиий атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқининг конституциявий асосларини такомиллаштириш масалалари” . *Архив Научных Публикаций JSPI, 1(49)*. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5173](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5173)
- 7.www.Lex.uz